



## THE IMAGE OF THE TEACHER OF THE INSTITUTION OF HIGHER EDUCATION

Satib-Aldiev Azim Abdu-Shakirovich

Doctor of Philosophy in Pedagogical Sciences (PhD),

Associate Professor of the Armed Forces Academy of the Republic of Uzbekistan

Yuldashev Oktamjon Mukhamadsharipovich

Head of the center of the Armed Forces Academy of the Republic of Uzbekistan

### Abstract

This article discusses the importance of the teacher's personal image and the image of the educational institution, their constituent components, in increasing the effectiveness of the pedagogical activity of professors of higher educational institutions.

**Keywords:** pedagogical activity, image, image of teacher, image of educational institution, collective (corporate) culture

### ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ПЕДАГОГИ ИМИЖИ

Сатиб-Алдиев Азим Абду-Шакирович

педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),

Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучлари Академияси доценти

Юлдашев Ўктамжон Мухаммадшарипович

Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучлари Академияси марказ бошлиғи

Ушбу мақолада олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг педагогик фаолияти самарадорлигини оширишда ўқитувчининг шахсий имижини ҳамда таълим муассасаси имижининг аҳамияти, уларни ташкил этувчи таркибий қисмлари тўғрисида фикр юритилади.

**Калит сўзлар:** педагогик фаолият, имиж, ўқитувчи имижини, таълим муассасаси имижини, жамоавий (корпоратив) маданият.

Таълим ва тарбия жараёни ўсиб келаётган ёш авлодни жамият талабларини ўзида акс эттирувчи ижтимоий буюртма асосида ҳаётга тайёрлашдан иборат. Таълим ва тарбия жараёнида ёшлар аждодлар томонидан тўпланган билим, одоб, урф-одат, маданият ва меҳнат кўникмаларини ўзлаштириши, ҳаётини





тажриба асосида жамиятда ўзининг муносиб ўрнини эгаллаши, салоҳияти ва дунёқарашининг шаклланишида педагог шахси, унинг касбий маҳорати ҳамда нуфузи муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, ёшларда давр талабидан келиб чиқувчи янги масала ва муаммоларни ечиш учун зарур бўладиган сифатларни шакллантириш педагогик фаолият соҳасининг устувор вазифаси ҳисобланади. Бунинг учун аввало педагогнинг ўзида янгича билим бериш, ўзгариб боровчи меҳнат ва ҳаёт шароитларига мувофиқ ижодий фаолият билан шуғуллана олиш кўникмалари таркиб топган бўлиши лозим.

Замонавий педагог кадрлар янги мавқега эга бўлиб, унинг вазифаси энг аввало ёшларни мустақил билим олиш фаолиятини ташкил этишга, билимларни мустақил эгаллашга ва уларни амалиётда қўллаш малакаларини шакллантиришга қаратилмоғи лозим. Педагог бундай мақсадларда, ўқитишнинг методлари, технологияларини шундай танлаш керакки, улар ёшларга нафақат тайёр билимларни ўзлаштиришларида, балки билимларни турли манбалардан мустақил эгаллашлари, ўзларида шахсий нуқтаи назарнинг шаклланиши, уни асослаши ва эришилган билимларни янги билимлар олишларида фойдаланиш малакаларига эга бўлишлари лозим.

Педагог шахсига қўйиладиган талаблар асосида унинг моделини ишлаб чиқишда олий таълимнинг Давлат таълим стандартларида белгилаб берилган қуйидаги ҳолатлар асос учун қабул қилинган [4]:

- педагогнинг фаолият соҳалари: таълим; бошқарув;
- педагогнинг фаолият турлари: ўқув методик; тарбиявий; ташкилий; илмий (раҳбарлик); кадрлар билан ишлаш; тадбиркорлик; экспертлик ва бошқалар;
- педагогик фаолият юритувчи муассасалар: мактагача таълим; умумий ўрта таълим; ўрта махсус, касб-ҳунар таълими; олий таълим; олий таълимдан кейинги таълим; мактабдан ташқари таълим; таълимни бошқариш органлари.

Ҳозирги давр педагоги қанчалик чуқур билимга, катта тажрибага эга бўлмасин, таълим методикаси ва технологияларини қанчалик пухта эгаллаган бўлмасин, унинг таълим олувчилари, касбдошлари, жамоатчилик олдида етарлича ҳурмат, обрў-эътиборга, жозибадорликка эга бўлиши талаб этилмоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, педагог ўз имижига эга бўлиши лозим.

Ўзбекистон Миллий энциклопедиясининг 4-томи 129-бетида шундай ёзилган: ИМИЖ (инглизча *image*, лотинча *imago* – тимсол, кўриниш) – шахс, ҳодиса, нарсанинг оммалаштириш, реклама қилиш ва ҳ.к. мақсадларда одамларга ҳиссий-руҳий таъсир кўрсатишни кўзлаб шакллантириладиган қиёфаси; тарғиб қилиш воситаларидан бири.





Имиж ҳақида аниқ бир психологик маҳсулот сифатида гапирганда эса у ижтимоий кўрсатма, урф бўлган тимсол тарзида намоён бўлади. Унинг инсон руҳиятининг санаб ўтилган барча сфераларида бир вақтда пайдо бўлиши ҳам ҳеч гап эмас.

Имиж – инсоннинг ишбилармонлик ва бошқа ижобий хусусиятларини катталаштириб кўрсатадиган ойнага ўхшайди. Унинг энг яхши жиҳатларини намоён этишга хизмат қилади.

Педагог, шифокор ва умуман, аҳолига хизмат кўрсатадиган ҳар қандай соҳада инсон фаолияти биринчи галда унинг ташқи қиёфаси билан боғлиқ. Ҳамма инсон ҳам бирдек ҳар томонлама ёқимтой, бошқаларни ўзига ром қиладиган даражада жозибадор бўлиши қийин, аммо у бунга ҳаракат қилмаса ундан ҳам қийинроқ аҳволга тушиши мумкин.

Олий таълим муассасаси фаолиятининг самарадорлиги ҳақида сўз юритилганда ўзаро узвий боғлиқ бўлган ҳамда бир-бирини тўлдириб турадиган алоҳида олинган педагоглар ва педагогик жамоа имижи мазмунини кўриб чиқиш ўринли бўлади.

Н.К. Моисеева ўз тадқиқотида олий таълим муассасаси имижи таркибидан қуйидаги компонентларни ажратиб кўрсатади [1]:

1. Таълим хизмати имижи – одамларнинг кўрсатилаётган таълим хизмати ҳақидаги ижобий тавсифи. Кўшимча хизматлар (атрибутлар) – олий таълим муассасасини бошқа муассасалардан фарқлаб турувчи сифатлари.
2. Таълим хизматларини оловчилар имижи – истеъмолчиларнинг турмуш тарзи, ижтимоий мавқеи ва маълум бир шахсий (психологик) тавсифлари.
3. Ташкилотнинг ички имижи – ўқитувчилар ва талабалар (тингловчилар)нинг олий таълим муассасаси ҳақидаги фикрлари. Ички имижнинг асосий ташкил этувчиси сифатида ташкилот маданияти ва ижтимоий-руҳий муҳит хизмат қилади.
4. Олий таълим муассасаси ректори (бошлиғи) ва илмий кенгаши имижи уларнинг қобилиятлари, установкалари, кадриятлари, психологик тавсифлари, ташқи кўриниши ва шу кабилардан ташкил топади.
5. Ходимлар имижи – ўқитувчилар таркибининг умумлашган образи.
6. Ижтимоий имиж – кенг жамоатчиликнинг олий таълим муассасасининг ижтимоий мақсадлари ва жамият иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётидаги роли тўғрисида тушунчаси.
7. Визуал имиж – бинолар интерьерлари, ўқув аудиториялари, ташкилот белгиси



(логотипи)ни кўриш билан белгиланадиган тасаввур.

Шаклланадиган имиж тасодифий компонентлар тўплами эмас, балки ўзаро боғлиқ элементлар тизимидир.

Олий таълим муассасаси имиджининг таркибини ва шаклланишини ўрганган тадқиқотчилар қуйидаги элементларни ўз ичига олишини таъкидлайдилар:

1) таълим муассасаси тарихи ва анъаналари; 2) олий таълим муассасаси раҳбари имиж; 3) профессор-ўқитувчилар таркиби ва тингловчилар имиж; 4) самарали коммуникациялар (ташқи ва ички); 5) таълим мазмуни, таълим фаолияти сифати [2].

Профессор-ўқитувчилар таркиби замонавий имижининг ўзига хос хусусиятларидан бири сифатида жамоавий (корпоратив) маданиятнинг мавжудлиги кўрсатилади. Жамоавий маданиятнинг мавжудлиги барча педагогларнинг таълим муассасаси имижини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича ҳаракатларини бирлаштиришга имкон беради.

Корпоратив маданият унинг асосини ташкил этувчи жамоа ғояси, кадриятлари, ташкилот аъзоларининг жамоавий установакаси, фаолият механизмларини ўз ичига олади [5].

Тадқиқотчилар корпоратив маданиятнинг бир неча босқичлари шакланганлигини эътироф этади [3]:

- касбий-педагогик ҳамжамиятнинг корпоратив маданияти. Кўпчилик профессор-ўқитувчилар таркиби томонидан амалга ошириладиган кадриятлар ва меъёрлар, шунингдек, социум ва тарихий давр хусусиятларидан келиб чиқадиган касбий тафаккур тури унинг мазмунини акс эттиради. У позитив (масалан, жамоанинг педагогик ғоялари, жамоавийлик, тенглик, тингловчиларга ижобий муносабат) ёки негатив (масалан, тадқиқот ишларига, жамоат ёки тарбиявий ишларга пасив муносабат) кўринишда бўлиши мумкин;

- мутахассисларни тайёрлаш корпоратив маданияти. Ушбу маданият малакали мутахассисга ушбу бошқарув босқичи корпоратив маданиятига киришга, шунингдек, уни лойиҳалаш ва шакллантиришга имкон беради;

- олимлар профессионал ҳамжамиятининг корпоратив маданияти. Ўқитувчилар ва тингловчиларни илмий-тадқиқот ишларига жалб қилар экан, таълим муассасаси уларда илм-фаннинг замонавий талабларига ва мамлакат илмий ҳамжамияти меъёрларига жавоб берадиган маданият шакллантирилади. Бунда олимлар касбий ҳамжамияти корпоратив маданиятининг етакчи кадрияти сифатида рақобатбардошлик, нафақат тадқиқотлар ўтказиш, балки уларнинг аҳамиятини ва кераклилигини башорат





қилиш малакалари, натижаларини кенг қўллаш имконининг мавжудлиги муҳим саналади.

- таълим муассасасининг корпоратив маданияти. У мамлакат ва жаҳон таълим жараёни тенденцияларини ҳисобга олиши, таълим муассаси имижини намоён қилиши, турдош муассасалардан фарқли жиҳатларининг акс этишини тақозо қилади.

Хулоса қилиб айтганда, олий таълим муассасаси ўқитувчисининг касбий имижининг маълумоти, касбий ва илмий салоҳияти, таълим бериш ишининг илмий фаолият билан боғлиқлиги, таълим бериш жараёнининг амалиёт билан боғлиқлиги, алоҳида олинган педагоглар ва педагогик жамоа тўғрисидаги ижтимоий фикр, таълим муассаси жамоавий имижини кўтариш ва мавқеини мустаҳкамлаш каби муҳим жиҳатлар билан бўлиқ бўлади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Моисеева Н.К. Маркетинг/ Н.К. Моисеева //Маркетинг и конкурентоспособность образовательного учреждения/ № 5, 1999. - с. 77.
2. Прудников Л.А. Имидж Вооруженных Сил РФ: сущность, содержание, политические технологии формирования. - М.: Редакционно-издательский центр МО РФ, 2009. - 200 с.
3. Прудников Л.А., Волкова В.В. Профессиональный имидж преподавателя ВАГШ ВС РФ: история и современность.
4. Сатиб-Алдиев А. Офицер-ўқитувчининг педагогик маҳорати / дарслик/ - Т.: Ўзбекистан Республикаси Қурулли Қучлари Академияси, 2019. - 264 б.
5. Тюников Ю., Мазниченко М. Корпоративная культура как фактор конкурентоспособности вуза // Высшее образование в России. - 2005. - №10. -С. 69-77.

